

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2011 йил 25 ноябрь, № 229 (5396) Жума

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТИББИЁТ СОҲАСИДАГИ ЮТУҚЛАРИГА ҲАВАС ҚИЛСА АРЗИЙДИ

***Тошкент шаҳрида 25-26 ноябрь кунлари “Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: “Соғлом она — соғлом бола” мавзуидаги халқаро симпозиум бўлиб ўтади. Мазкур халқаро анжуманда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар жамғармаси, БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси каби нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари, қирққа яқин мамлакатдан соғлиқни сақлаш вазирликлари раҳбарлари, тиббиёт соҳасида жаҳонда тан олинган машҳур олимлар, халқаро эксперт ва таҳлилчилар иштирок этади.***

*Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА мухбирлари халқаро симпозиум ишида иштирок этиш учун келган меҳмонларнинг айримлари билан суҳбатлашди.*

**Стефано МАРИОНЕЧИ, Милан шаҳри кардиожарроҳлик клиникаси болалар кардиожарроҳлиги бўлими бошлиғи (Италия):**

— “Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: “Соғлом она — соғлом бола” мавзуидаги халқаро симпозиумда қатнашиш имконига эга бўлганимдан хурсандман. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан буён ўтган қисқа даврда тиббиёт соҳасида, хусусан, оналар ва болалар саломатлигини асраш масалаларида улкан ютуқларга эришганидан хабардорман. Буни кардиожарроҳлик соҳасида ҳам яққол кўриш мумкин.

Бугунги кунда мамлакатингизда болаларда учрайдиган туғма юрак нуқсони хасталигининг барча турларини жаҳон андозалари даражасида

**Интервью**

даволаш ва болаларга соғлом ҳаёт бахш этишга эришилмоқда. Президент Ислом Каримов раҳнамолигида тиббиёт тизимини ривожлантириш бўйича босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасида шаклланган замонавий тиббиёт масканлари бундай улкан ютуқларда муҳим омил бўлаётир.

Ўзбекистонга ташрифимиз асносида Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик маркази базасида янги кардиожарроҳлик бўлими қуриб битказилганига гувоҳ бўлдик. Демак, кўрсатилаётган тиббий хизматнинг сифати ва кўлами янада юксалади.

Ўзбекистонда бу борада эришилаётган муваффақиятлар жаҳон тиббиёти ютуқларини янада ривожлантиришга муносиб улуш бўлиб қўшилади.

**Лоренсо БОННИ, Мадрид шаҳри госпиталининг болалар жарроҳлиги бўлими бошлиғи (Испания):**

— Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик марказида бўлиб ўтаётган операцияларда иштирок этиб, ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан тажриба алмашмоқдамиз. Ўзбекистон шифокорларининг юксак маҳорати ва болалар саломатлигини асраш бўйича ёндашувларига ҳавас қилса арзийди. Болаларда учрайдиган туғма юрак нуқсонини даволаш ниҳоятда масъулиятли жараён.

(Давоми 2-бетда).

*Ўзбекистон Савдо-саноат палатасида 24 ноябрь куни Ўзбекистон ва Покистон ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.*

# ЎЗБЕКИСТОН – ПОКИСТОН БИЗНЕС-ФОРУМИ

Тадбирда икки мамлакатнинг иқтисодиёт, савдо, сармоя, кимё, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, озиқ-овқат саноати, тўқимачилик, қурилиш ҳамда машинасозлик соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси Алишер Шайхов Ўзбекистон билан Покистон ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари савдо-иқтисодий ва сармоявий соҳада ҳам изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон — Покистон савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқаларининг ҳуқуқий асосини даромадларнинг икки томонлама солиққа тортилишига йўл қўймаслик ҳамда даромад ва капитал солиқларни тўлашдан бош тортишни бартараф қилиш, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш, савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамда божхона соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар ташкил этади.

Мамлакатимизда покистонлик сармоядорлар иштирокида тузилган 68 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Мазкур давлатнинг ўнга яқин фирма ва компанияси юртимизда ўз ваколатхонасини очган.

Покистон савдо-саноат палаталари федерацияси президенти, ушбу мамлакатнинг Миллий Ассамблеяси аъзоси, сенатор Ҳожи Ғулом Али Ўзбекистонда хорижий сармоядорлар билан ҳамкорликда иш юритиш учун қулай сармоявий муҳит, зарур шароит ва имтиёзлар яратилганини алоҳида таъкидлади.

(Давоми 2-бетда).

# МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

## Экспортчи корхоналар кўпаймоқда

***БУХОРО*** **шаҳридаги тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Касатка” масъулияти чекланган жамияти экспортчи корхоналар қаторидан ўрин олди.**

Бу ерда тайёрланган 20 минг АҚШ долларилик ишчи коржомалари илк бор хорижлик буюртмачиларга етказиб берилди.

— Замонавий тикув машиналари билан жиҳозланган корхонамизда маҳсулот тури 50 тага етказилди, — дейди корхона раҳбари Б. Қаюмов. — Кийим-кечак дизайни ҳамда сифатига алоҳида эътибор қаратаётганимиз боис маҳсулотларимиз нафақат ички бозорда, балки хорижда ҳам харидорлар эътиборига тушмоқда. Яқинда яна 30 минг АҚШ долларилик кийим-кечакни экспортга жўнатишга тахт қилиб қўйдик.

Айтиш жоизки, “Касатка” каби корхоналарнинг кўпайиши ҳисобига вилоятда жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида экспорт ҳажми 10 фоиз ортди.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Янги марказлар иш бошлади

***АНДИЖОН*** **шаҳрида Бизнесга кўмаклашиш ҳамда “Ҳамкор” халқаро бизнес марказлари фаолият бошлади.**

Бу марказларда тадбиркорлар ва ишбилармонлар учун барча шарт-шароит муҳайё этилган. Хусусан, минибанк, интернет-кафе улар хизматида. Шунингдек, бу ерда ресторан, меҳмонхона, анжуманлар зали сингари 40 га яқин хизмат кўрсатиш шохобчалари мавжуд.

Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида таъминланган Бизнесга кўмаклашиш марказининг маълумотлар базасига 600 дан зиёд янги ускуна ва минитехнологиялар бўйича ахборот киритилган.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## «Дробит бизнес»нинг илк одими

**Жорий йилнинг ўзида** ***ТОШКЕНТ*** **вилоятида қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган 20 та корхона ўз фаолиятини бошлади.**

Яқинда улар сафига Бўка туманидаги “Дробит бизнес” масъулияти чекланган жамияти ҳам қўшилди. Деворбоп пардозлаш ашёлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган лойиҳани амалга ошириш учун 65 миллион сўм сарфланди. Янги корхона йилига 250 тонна маҳсулот тайёрлаш имкониятига эга. Жамоа йил якунига қадар буюртмачиларга 100 миллион сўмликка яқин ҳам сифатли, ҳам арзон пардозлаш маҳсулотлари етказиб бериш ниятида.

**Ғ. ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни**

***Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг асосий кафолати” мавзуида илмий-амалий анжуман ташкил этилди. Унда қуйи палата депутатлари, тегишли идоралар вакиллари ҳамда мутахассислар иштирок этди.***

# ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИНГ МУҲИМ АСОСИ

Семинарда мамлакатимизда жамиятни демократлаштириш ва модернизация қилиш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётгани, буларнинг барчаси инсон ҳуқуқларини изчил таъминлашда муҳим омил бўлаётгани таъкидланди.

— Шубҳасиз, демократик жамият барпо қилишнинг ўзимизга хос моделини ҳаётга самарали жорий этишда Конституциямиз ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда, — деди қўмита раиси Қ. Жўраев. — Зеро, Асосий Қонунимиз давлатимизнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тузуми, давлат ҳокимиятининг тизими, жамият ривожланишининг стратегик йўналишлари, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлари, маънавий қадриятларимиз асосларининг мустаҳкам пойдеворидир.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси халқимизнинг хоҳиш-иродасини ўзида мужассам этган мукаммал сиёсий-ҳуқуқий ҳужжат эканлиги, унда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шани, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият сифатида мустаҳкамлаб қўйилганига алоҳида урғу берилди. Ҳар бир инсоннинг камолоти, эркинлиги, юксак турмуш даражаси, фаровон ҳаёт кечириши ва фаол меҳнат қилиши учун шароит яратиш Конституциямизнинг мазмунини ташкил этади.

Анжуманда давлатимиз мустақилликка эришганидан сўнг ўтган қисқа давр мобайнида конституциявий меъёрлар ва тамойилларни ҳаётга татбиқ қилиш, фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини тўлиқ таъминлаш борасида ўтказилаётган ислоҳотлар аҳамияти хусусида тўхталиб ўтилди.

— Давлатимиз раҳбарининг Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган ғоя ва таклифлар рўёби тараққиётнинг янги марраларини забт этишда айни муддаодир, — дейди қўмита аъзоси А. Раҳмонов. — Хусусан, ушбу дастуриламал ҳужжатда қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш механизмларини янада такомиллаштириш масалаларига устувор мақсад, дея эътибор қаратилган.

(Давоми 2-бетда).

# САРМОЯЛАР ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Ўзбекистон Банклари ассоциацияси томонидан оммавий ахборот воситалари ходимлари учун матбуот анжумани ўтказилди. Унда “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури доирасида амалга оширилган ишлар, хусусан, тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, уларга имтиёзли кредитлар ажратиш шарт-шароитлари, бизнес лойиҳаларни имтиёзли молиялаштиришни кенгайтириш масалалари хусусида сўз юритилди.

**Анжуман**

Таъкидландики, бугунги кунда мамлакатимизнинг мавжуд 30 та тижорат банкида мазкур дастур ижросини таъминлаш борасида муайян ишлар олиб борилмоқда. Улар томонидан соҳа вакилларига жорий йилнинг ўтган ўн ойи мобайнида барча молиялаш манбалари ҳисобидан қарийб 3 триллион 572 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилгани бунинг тасдиғидир.

(Давоми 2-бетда).

# ҚИШЛОҚЛАРДА КЎРКАМ УЙ-ЖОЙЛАР

## намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилмоқда

***Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари натижасида шаҳарлар қатори олис қишлоқ ва овуллар ҳам тобора чирой очиб, аҳоли турмуш фаровонлиги юксалиб бораётир.***

***Жумладан, Самарқанд вилоятининг чекка ҳудудларида ҳам миллий ва замонавий меъморчилик анъаналари асосида кўркам ва шинам уй-жойлар қад ростламоқда. Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бу борада дастуриламал бўлаяпти.***





Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

**Қарор ва ижро**

— Вилоятимизда намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган тураржойларга талаб ортиб бормоқда, — дейди “Қишлоқ қурилиш инвест” ихтисослаштирилган инжиниринг компаниясининг Самарқанд вилояти филиали директори Сафар Қўшанов. — Хусусан, 2009 йилда Жомбой, Пахтачи, Пастдарғом туманларидаги 3 та аҳоли пунктининг ҳар бирида 20 тадан, жами 60 та уй-жой қурилган бўлса, 2010 йилда вилоятнинг 14 та туманидаги 21 аҳоли пунктида 650 та тураржой барпо этилиб, фойдаланишга топширилди. Жорий йилда эса барча туманлардаги 23 та аҳоли пунктида 695 та кўркам ва шинам ҳовли-жойлар қад ростламоқда. Бугун вилоятда бу борадаги бунёдкорлик ишларига 74 та қурилиш ташкилоти жалб этилган. Уларда 5000 нафардан зиёд киши меҳнат қилаяпти.

(Давоми 2-бетда).

# Роғун ГЭСи қурилиши атрофида бўлаётган вазиятни тағин бузиб кўрсатишга уринишлар

***“Халқ сўзи” газетаси таҳририяти халқаро ҳамжамиятнинг жиддий хавотирига сабаб бўлаётган Роғун ГЭСи қурилиши лойиҳаси ҳақида мақолалар бериб боришни давом эттиради.***

“Баёнотлар билан амалий ишлар бир-бирига зид келганда” сарлавҳали мақолада (“Халқ сўзи” газетаси, 2011 йил 2 ноябрь, 212-сон) Тожикистон Республикаси ҳукуматининг 2011 йил 26 октябрь куни “Ховар” агентлиги томонидан тарқатилган Роғун ГЭСи қурилишидаги ишларнинг боришига оид расмий баёноти ҳақиқатга мутлақо тўғри келмаслиги баён этилган.

Газетада Тожикистон томони экспертларнинг техник, экологик ва социал-иқтисодий экспертиза ишлари ниҳоясига етмасдан қурилиш ишларини бошламаслик борасидаги асосли эътирозларига қулоқ тутмай, Роғун ГЭСини ўтган асрда тайёрланган лойиҳа асосида барпо этишни жадаллаштираётгани тўғрисида аниқ далиллар келтирилган. Унда таъкидланишича, Тожикистон раҳбарияти 120 метрлик оралиқ тўғонни қуриб битказиш орқали гидроиншоотнинг биринчи босқичини тугаллашни мақсад қилиб, шу тариқа халқаро ҳамжамиятни танг аҳволга солиб қўйишни кўзда тутмоқда.

Мақолада қўйилган саволларга аниқ-равшан жавоб топилмаганлиги туфайли “Азия-Плюс” тожик сайтида “Рогунская ГЭС” МЧЖ бош директори Н. Шулашовнинг саёз ва узуқ-юлуқ мақоласи берилди.

Н. Шулашов халқаро экспертлар билан Тожикистон раҳбарияти ўртасидаги принципиал келишмовчилик масалаларига мутлақо тўхталиб ўтмайди. Унинг изоҳларида Роғун ГЭСи тўғони учун танланган майдон ер қобиғининг тектоник ёриғи ва улкан туз қатлами устида жойлашгани ҳақида бир оғиз сўз дейилмайди.

Эътиборлиси, Н. Шулашов интервьюсининг бошидаёқ Роғун гидроиншоотида 1970-йилларда бошланган қурилиш ишлари бугунги кунда давом эттирилаётганини айтади. Шу тариқа у билиб-билмай ўз мамлакати раҳбарияти томонидан эълон қилинган Роғун майдонида гўёки “фақат таъмирлаш-тиклаш” ишлари кетаётгани тўғрисидаги ҳаммани ишонтиришга қаратилган баёнотини рад этади.

“Рогунская ГЭС” МЧЖ бош директори аниқ жавоблар ўрнига, лойиҳа “шўро даврида “Гидропроект”нинг Тошкентда

**Акс садо**

жойлашган Ўрта Осиё бўлимида ишлаб чиқилгани ва муайян экспертиза жараёнларидан сўнг СССР давлат ижроия органининг юқори доираларида тасдиқлангани” тўғрисидаги сийқаси чиқиб кетган жумлаларни такрорлайди.

Агар шундай экспертиза ўтказилган бўлса, ўша экспертиза хулосалари қани? Боз устига, бу воқеадан сўнг орадан 40 йилдан зиёд вақт ўтди.

Турли хавф-хатарлар, шу жумладан, экологик ва техноген хусусиятли таҳдидлар долзарб бўлиб бораётган бугунги шароитда замонавий стандарт ва талабларга жавоб бермайдиган тўғонларни фойдаланишдан чиқариш мақсадга мувофиқдир. Хусусан, АҚШда қарийб 500 та ана шундай тўғон фойдаланишга яроқсиз, деб топилган. Қолаверса, 1998 йилдан буён бу ерда йирик тўғонларни бузиш ишлари уларни қуришга нисбатан жадалроқ амалга оширилаяпти. Айни чоғда Америка тажрибаси бошқа давлатларда ҳам қўлланилмоқда.

Йирик тўғонларни барпо этишга ёндашув Россияда ҳам, айниқса, Саяно-Шушенск ГЭСида содир бўлган фалокатдан сўнг тубдан ўзгарди. Ушбу мамлакатда “Гидротехник иншоотлар хавфсизлиги тўғрисида”ги федерал қонун кучга кирди. Бундан кўзланган мақсад фуқароларнинг ҳаёти, саломатлиги ва мол-мулкини муҳофаза қилиш, бинолар ва иншоотлар бузилиши, тупроқ емирилиши, ер ости сувлари сатҳининг хавфли даражада ўзгариши ва атроф-муҳитга етказиладиган бошқа кўринишдаги экологик ҳамда социал-иқтисодий зарарнинг олдини олишдан иборатдир.

Шу маънода, нуфузли халқаро экспертларнинг Роғун ГЭСидек фавқулодда хавфли гидроиншоотнинг қурилишига йўл қўйиб бўлмаслик тўғрисидаги ҳаққоний нуқтаи назарлари ҳар томонлама асослидир.

АҚШ Давлат котиби Х. Клинтон ҳам Душанбега ташрифи чоғида Роғун ГЭСи қурилишига салбий муносабат билдириб, “70-йиллардаги лойиҳалар самарасизлигини исботловчи мисоллар кўп. Шунинг учун мустақил экспертларнинг фикрларига қулоқ тутиш ва электр энергияси ишлаб чиқаришнинг муқобил манбаларини топиш лозим”, дея таъкидлаганди.

Европада ҳам трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланишда ушбу ҳавза бўйида жойлашган барча давлатлар манфаатлари ҳисобга олиниши ва бунда халқаро ҳуқуқ меъёрларига қатъий риоя этилиши шарт, деб билишади.

БМТнинг трансчегаравий дарёларда сув-энергетика лойиҳаларини оқилона, самарали ва келишилган ҳолда амалга оширишга доир Конвенциялари ҳам шуни талаб этади. Шубҳасиз, ана шундай обиҳаёт манбаларидан бири минтақамизда яшаётган 60 миллиондан зиёд инсон баҳраманд бўлиб келаётган Амударёдир.

**М. УСМОНОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Сейсмология институти лаборатория мудири, физика-математика фанлари номзоди.**

# ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИНГ МУҲИМ АСОСИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тадбирда Концепциянинг мазмун-моҳияти ва Президентимизнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" китобининг концептуал ғоялари борасида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

— Истиқлол йилларида Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилган изчил ислоҳотлар, ўз навбатида, барча соҳаларда тараққиётга эришиш омили бўлмоқда, — деди қўмита аъзоси Х. Маматов. — Бинобарин, Ўзбекистоннинг дунё миқёсидаги нуфузи тобора ошиб бормоқда. Конституциямиз эса ана шу юксак марраларнинг тамал тоши бўлиб хизмат қилаётир. Буларнинг барчаси элюртимиз манфаати, она-Ватанимизнинг равнақи ва келажаги учун бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилиш катта шараф эканлигининг яна бир ҳаётий тасдиғидир, албатта.

Анжуманда Конституциямизни янада чуқур ўрганиш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**Саиджон МАХСУМОВ.**

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ҳамда халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгашининг қўшма мажлисида вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг ҳуқуқни қўллаш борасидаги фаолиятини ўрганиш натижалари кўриб чиқилди.***

# ТАДБИРКОРЛАР ФАОЛИЯТИ – ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Мажлисда қайд этилганидек, мамлакатимизни изчил тараққий эттиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг аҳамияти ниҳоятда каттадир. Шу боис тармоқни янада ривожлантириш, қулай шароитлар яратиш бўйича кенг миқёсли мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Чунончи, хусусий мулкнинг устуворлигини мустаҳкамлаш, унинг ишончли кафолатларини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятига янада кўпроқ эркинлик яратиш, давлатнинг бошқарув функцияларини ҳамда рухсат бериш тартибларини қисқартириш бўйича тегишли норматив-ҳуқуқий база барпо қилинди.

**Маҳаллий Кенгашларда**

Сўнгги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича кўрилган чора-тадбирлар вилоятда қулай бизнес муҳитини яратиш, кредит-молия ҳамда хом ашё ресурсларидан фойдаланишни таъминлайдиган механизмларни жорий этиш, давлат ва назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари молиявий-хўжалик фаолиятига аралашиши ҳолларини қисқартириш имконини бермоқда. Бу вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда ҳамда аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳиссасининг ўсишига хизмат қилаётир.

Вилоятда ўтган 9 ой давомида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми ортиғи билан бажарилди. Шуниси диққатга сазоворки, ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида кичик бизнеснинг улуши ўтган йилнинг шу давридаги 79,1 фоиздан 82,2 фоизга ошди. Кичик бизнес субъектларига тижорат банклари томонидан барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 80,2 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди.

Йиғилишда адлия органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари бузилиши ҳолатлари аниқланиб, тегишли чора-тадбирлар кўрилаётгани қайд этилди. Айни чоғда тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқ ва манфаатларини тиклаш бўйича айбдор шахслар маъмурий, интизомий ҳамда моддий жавобгарликка тортилиб, тадбиркорлик субъектларига етказилган моддий зарарни ундириб бериш учун судларга даъво аризалари киритилмоқда.

Шу билан бирга, қўшма мажлисда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолиятида айрим хато-камчиликларга йўл қўйилаётгани ҳам кўрсатиб ўтилди.

Йиғилишда вилоят адлия органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш борасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш учун аниқ чора-тадбирлар кўриш зарурлиги таъкидланди.

— Қўшма мажлисда кўрилган масалалар бугунги куннинг долзарб масалаларидандир, — дейди халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Икром Худойбердиев. — Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар, айниқса, ортиқча текширишларнинг камайгани яхши самара бераяпти. Буни вилоят ялпи ҳудудий маҳсулоти таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари улуши ортиб бораётгани, аҳоли бандлигини таъминлаш имкониятлари кенгаяётганида ҳам кўриш мумкин.

Муҳокама якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ҳамда халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгашининг қўшма қарори қабул қилинди.

**Шомурод ХОЛМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# САРМОЯЛАР ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ушбу маблағнинг 22 миллиард сўми касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг лойиҳаларини молиялаштириш, 51,5 миллиард сўми шахсий томорқа ва деҳқон хўжаликларига қорамол сотиб олиш, 26,9 миллиард сўми эса тадбиркорларга минитехнология ва ихчам ускуналар харид қилиш учун тақдим этилди. Қолаверса, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, оилавий бизнес, ҳунармандчилик ва хизмат кўрсатиш соҳаларига ажратилган сармоялар, шунингдек, халқаро молия ташкилотлари маблағлари ҳисобидан берилган сармоялар ҳажми ҳам ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан анчагина салмоқли бўлди. Буларнинг бари ички бозоримизни янги маҳсулотлар билан бойитишни таъминлаётир.

Мазкур йўналишдаги ишларни янада жадаллаштиришда Президентимизнинг 2011 йил 11 мартдаги "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит беришни кўпайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Тижорат банкларининг бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда аҳоли, айниқса, ёшларнинг бандлиги ва турмуш фаровонлиги даражасини ошириш учун турли тадбирлар уюштираётгани ҳам айни муддао бўлмоқда. "Энг яхши ишлаб чиқариш лойиҳаси", "Энг яхши ёш тадбиркор", "Энг яхши инновацион лойиҳа" сингари кўрик-танловлар шулар жумласидан бўлиб, улар кўплаб ёшларни тадбиркорликка жалб этишга хизмат қилаётир.

Умуман, республикамиз тижорат банклари томонидан йил охирига қадар тадбиркорларга қўшимча 210 миллиард сўмга яқин маблағлар ажратилиши режалаштирилган. Бу келгусида соҳа вакиллари фаолияти янада ривожланиши йўлида муҳим омилдир.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бунинг учун замонавий технологиялар билан жиҳозланган тиббиёт маскани, кардиолог, кардиожарроҳ, анестезиолог, перфузиолог каби малакали мутахассислар гуруҳи, алоҳида ҳамширалик парвариши талаб этилади. Ўзбекистонда бу борада яратилган шароитлар ва амалга оширилаётган оператив муолажалар халқаро стандартларга тўла мос келади. Айтиш керакки, болаларда учрайдиган бундай нуқсонларнинг олдини олишда она ва бола скрининг текшируви муҳим омил ҳисобланади.

Ўзбекистонда скрининг хизматининг ривожлангани, ҳомиладор аёлларга ўз вақтида малакали тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилгани соғлом авлод дунёга келиши ва болаларда кардиологик хасталикларнинг олдини олишда ўз самараларини бермоқда. Халқаро симпозиум доирасида мамлакатингизда ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишлар ва ютуқлар билан янада кенгроқ танишиш, олимларингиз ва шифокорлар билан ўзаро тажриба алмашиш, кардиология, кардиожарроҳлик, реанимация шароитларини ўрганиш ва ўзаро тажриба алмашиш шифокор сифатида менга катта фойда беришига ишонаман.

**Арианна ПЛЕБАНИ хоним — Италиянинг «Болаларга ёрдам» халқаро хайрия ташкилоти вакили:**

— Мен дунёнинг кўплаб мамлакатларида бўлганман. Лекин Ўзбекистонда болаларга ўзгача меҳр-эътибор, ғамхўрлик кўрсатилишини кўрдим. Мамлакатингизда бўлиб ўтадиган халқаро симпозиумда дунёнинг ўнлаб мамлакатларидан етук олимлар иштирок этиши Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасида тўпланган катта тажрибага жаҳонда қизиқиш ортиб бораётганидан далолатдир.

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТИББИЁТ СОҲАСИДАГИ ЮТУҚЛАРИГА ҲАВАС ҚИЛСА АРЗИЙДИ

Ушбу нуфузли анжуманда мамлакатингизда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар ўрганилади, муҳокама этилади ва олинган назарий ҳамда амалий ечимлар бутун дунё бўйлаб тарқалади. Ана шундай муҳим симпозиумда иштирок этиш имкониятига эга бўлганимдан мамнунман ва унда ўзимнинг келгуси фаолиятим учун кўплаб муҳим янгиликларни кашф этишимга ишонаман.

**Ануп РАЖ, "Holy Angels Hospital" шифохонаси директори (Ҳиндистон):**

— Ўзбекистонга илгари ҳам келган эдим. Шу боис мамлакатингизда барча соҳалар қатори соғлиқни сақлаш тизимида ҳам олиб борилаётган ислоҳотлар бераётган юксак самаралардан хабарим бор. Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Ўзбекистонда тиббиёт тизимини ривожлантиришнинг энг тўғри механизмлари ишлаб чиқилган ва бу борада катта муваффақиятлар қўлга киритилмоқда.

Ўзбекистоннинг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида эришаётган ютуқлари жаҳон миқёсида кенг эътироф этилмоқда. Мамлакатингиз дунёдаги нуфузли "Save the children" ("Болаларни асрайлик") халқаро ташкилоти томонидан тузилган рейтингда болалар саломатлигини мустаҳкамлашда катта ғамхўрлик кўрсатаётган жаҳондаги энг етакчи ўн мамлакат қаторига киритилгани ҳам бу борада олиб борилаётган изчил ишларнинг юксак самараларидандир.

**Роланд ВАУЭР, "Charite" клиникаси профессори (Германия):**

— Жаҳон тиббиётининг энг кўзга кўринган олим ва мутахассислари иштирок этаётган "Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: "Соғлом она – соғлом бола" мавзуидаги халқаро симпозиумда иштирок этиш катта имкониятдир. Ташрифим давомида Тошкент шаҳридаги Республика перинатал марказида "Неонатал шошилинч ёрдам, реанимация ва сунъий вентиляция" мавзуида мастер-класс ўтказиш имконига эга бўлдим.

Қайд этиш жоизки, ҳар бир аёлнинг жисмоний ва руҳий аҳволини синчиклаб ўрганиш, вужудида ривожланаётган ҳомилани дунёга соғлом ҳолда келтиришнинг илмий-амалий асосларини яратиш, кўп жиҳатдан энг замонавий тиббий технология имкониятларидан, янгиликлардан кенг фойдаланишга ҳам боғлиқдир. Ушбу марказ бу борада қўлланиладиган сўнгги русумдаги замонавий асбоб-ускуналар ва дори-дармонлар билан таъминланганининг гувоҳи бўлдим. Ҳомила ривожланишини, онанинг жисмоний ҳолатини юқори аниқликда намоён этадиган бу технологиялар касалликларга тез ва аниқ ташхис қўйиш, тиббий муолажаларни юқори савияда ташкил этиш имконини бермоқда. Бу Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётир.

**Паул ФОГТ, "EurAsia Heart" тиббиёт жамғармаси асосчиси, "Im Park" клиникаси директори, кардиохирург, профессор (Швейцария):**

— Жамғармамиз Европа ва Осиё мамлакатлари билан тиббиёт йўналишида яқин ҳамкорлик қилиб келади. Ташрифим давомида Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказида юрак ишемик касаллиги бўйича жарроҳлик операциясида қатнашиш имконига эга бўлдим.

Ўзбекистонда кардиожарроҳликни такомиллаштириш, ушбу тизимга юқори технологияларни жалб этиш борасида улкан ишлар амалга оширилганининг гувоҳи бўлдим.

Ўзбекистонга аввалги ташрифим давомида энг қадимий шаҳарлар — Самарқанд ва Бухорони зиёрат қилиш, тарихий ва меъморий обидаларингизни кўздан кечириш ва улардан маънавий куч-қувват олиш бахтига муяссар бўлган эдим. Бу галги ташрифим асносида ҳам Самарқандни зиёрат қилиш истагидаман. Чунки бу афсонавий шаҳарнинг бой тарихи, бугунги ривожига қизиқишим жуда катта. Ўзбекистоннинг бетакрор урф-одатлари, бағрикенг ва ширинсухан одамлари кишида унутилмас таассурот қолдиради.

**ЎзА мухбирлари**
**Баҳор ХИДИРОВА,**
**Ирода УМАРОВА,**
**Нодира МАНЗУРОВА,**
**Мадина УМАРОВА**
**ёзиб олди.**

# ЎЗБЕКИСТОН – ПОКИСТОН БИЗНЕС-ФОРУМИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Покистон Ўзбекистон билан ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратмоқда, — деди Ҳожи Ғулом Али. — Биз, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларидаги алоқаларни кенгайтиришдан манфаатдормиз. Покистон иш одамларининг ўзбекистонлик шериклар билан ҳамкорликка қизиқиши тобора кучайиб бораётир.

Анжуманда Покистоннинг йигирмадан зиёд компаниясидан вакиллар иштирок этди. Хусусан, "Weave and Knit", "Taimur Spinning" (тўқимачилик), "Syntex Pharma" (фармацевтика), "Indus Pipe Mill Thatta Cement" (қурилиш) каби компаниялар Ўзбекистон бозоридаги фаолиятини кенгайтириш ниятида эканлиги қайд этилди.

Покистонлик ишбилармонларга мамлакатимиз иқтисодиётига сармоя жалб қилишнинг устувор йўналишлари ҳақида маълумот берилди. Меҳмонлар юртимизда давом этаётган кенг кўламли хусусийлаштириш жараёни, иқтисодиётимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ўзгаришлар билан танишдилар.

Икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантириш, Покистон компанияларини мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этиш, "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасида қўшма лойиҳаларни амалга оширишга оид масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан Покистон Савдо-саноат палаталари федерацияси ўртасида савдо-иқтисодий, илмий ва техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланди.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ЧИМБОЙ ЧЕВАРЛАРИ

***Юрт тараққиёти, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришга қаратилган ҳар қандай эзгу ташаббус давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланмоқда, рағбат ва эътирофга лойиқ кўрилмоқда.***

**Ташаббус**



Чимбой туманилик тадбиркор Маряш Нажимова ҳам жорий йилда хайрли ташаббусга қўл урди. У ҳудудда "Элеонора-Арайлим" масъулияти чекланган жамиятини ташкил этиб, атрофига моҳир чеварларни тўплади. Натижада 10 нафар хотин-қиз доимий даромад манбаига эга бўлди.

Айни пайтда кичик корхонага ўрнатилган замонавий дастгоҳларда тикилаётган бежирим пардалар, сифатли ва замонавий либослар харидорларга манзур бўлаётир. Тадбиркор келгусида жамият фаолиятини янада кенгайтириш орқали маҳсулотлар турини кўпайтиришни мақсад қилган.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТДА:** кичик корхона фаолиятидан лавҳа.

**Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Оқдарёдаги Қирқдархон қишлоғи аҳолисининг қувончи чексиз. Сабаби, ўтган йили бу ерда ана шундай тураржойлардан 15 таси бунёд этилган бўлса, жорий йил 69 та оила янги уйларга кўчиб ўтди. Мазкур иншоотларни барпо этиш учун 5 миллиард 600 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

— Уйларнинг офтобга қаратиб қурилгани айни муддао бўлди, — дейди оқдарёлик фермер Комил Ҳамидов. — Ахир халқимизда "Офтоб кирмаган уйга табиб киради" деган нақл бекорга айтилмаган. Ўғлим Суҳробга ҳам ана шу янги тураржойлардан бирини олдик. Кенг, ёруғ, шинам. Энг муҳими, барча хоналарга қуёш нури тушиб туради.

# ҚИШЛОҚЛАРДА КЎРКАМ УЙ-ЖОЙЛАР

## намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилмоқда

Яна бир қувончли томони шундаки, ушбу қишлоқда бир йўла янги мактаб, қишлоқ врачлик пункти, маҳалла гузари ва унинг қошида милиция таянч пункти, минибанк, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари қад ростлади. Болалар спорт майдончасида эса жажжи болакайларнинг шодон ўйнаб-кулишлари учун барча шарт-шароит яратилган.

— Ўзим узоқ йиллар қурувчи бўлиб ишлаганман. Шу боис бундай иморатни якка тартибда барпо этиш учун анча вақт кетишини яхши биламан, — дейди "Меъмор Ўткир Човқи" хусусий корхонаси раҳбари Ўктам Шаймонов. — Ғишти, цементи, қуми, ёғочи, йўл қурилиши, эҳ-ҳе, айтаверсак, гап кўп. Ҳаммаси катта меҳнат талаб қилади. Шунинг учун биз ҳам ҳеч иккиланиб ўтирмасдан намунавий лойиҳалар асосида қурилган уйлардан бирига кўчиб ўтдик.

Давлатимиз раҳбари Наманган ва Андижон вилоятларига ташриф буюрганларида, қишлоқ аҳли ҳеч кимдан кам бўлмай яшашга ҳақли ва бу йўлда амалга оширилаётган ишларни изчил давом эттириш ҳамда мунтазам такомиллаштириб бориш ҳамиша диққат-эътиборимизда туриши лозимлигини алоҳида таъкидлаган эдилар. Зеро, энг олис қишлоқларда яшаётган кишилар ҳам бугун ҳар бир соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар, энг аввало, инсон манфаатларига хизмат қилишини ҳис этиб яшамоқдалар.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Биз кундалик турмушимизда бозор ёки савдо дўконидан маҳсулот харид қиламиз, транспорт, коммунал, тиббий хизматлардан фойдаланамиз. Бу жараёнларда истеъмолчи сифатида иштирок этарканмиз, табиийки, барчамизни ҳуқуқларимиз ҳам қизиқтиради. Таъкидлаш лозимки, юртимизда истеъмолчилар ҳуқуқлари тўлиқ кафолатланган. "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонун қабул қилиниб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани бунинг яққол далилидир.***

# ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИ

## соҳага оид қонун ҳужжатлари билан тўлиқ таъминланган

— Соҳанинг ҳуқуқий асоси яратилганлиги ҳамда кўрилаётган чора-тарбирлар натижасида аҳолининг истеъмол маданияти юксалиб бораётгани қувонарли, албатта, — дейди Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси раиси ўринбосари — ижрочи директор Акмал Эргашев. — Бунда федерациянинг 14 та вилоят бирлашмаси, 194 та туман ва шаҳар жамияти ҳамда маҳаллалар, корхона ва ташкилотлар қошида ташкил этилган 9218 та таянч гуруҳининг салмоқли ҳиссаси бор.

Маълумки, федерациянинг асосий вазифаси соҳага оид қонунчиликни кенг тарғиб қилиш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқий билимлари ва истеъмол маданиятини оширишдан иборат. Шундан келиб чиқиб, аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини кучайтириш мақсадида кўплаб тадбирлар, давра суҳбатлари ва ўқув-семинарлари ўтказилмоқда.

Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид қонунчиликка риоя этилиши мунтазам мониторинг қилиб борилаётгани ҳам бу борадаги муҳим ишларимиздан биридир. Чунончи, жорий йилнинг 9 ойида 5 минг 508 та мониторинг тадбири олиб борилди. Уларнинг аксарияти ички истеъмол бозорида қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари нархлари юзасидан ўтказилганлигини алоҳида айтиб ўтиш жоиз. Айни чоғда ҳокимликлар ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан яқиндан ҳамкорлик қилинаётгани яхши самара бермоқда.

Бугунги турмушимизни почта хизматисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу соҳа ходимларининг саъй-ҳаракати билан кундалик матбуот нашрларидан воқиф бўламиз, турли хат-хабар ва пул жўнатмаларию нафақа пулларини ўз вақтида оламиз. Федерациядан берилган маълумотларга кўра, юртимиздаги почта алоқа бўлимларида "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонун талабларини бажариш борасида бир қанча ишлар амалга оширилган. Бироқ ўрганишлар давомида айрим камчиликлар борлиги ҳам аниқланди. Жумладан, пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур, Чилонзор, Яккасарой, Юнусобод туманларидаги бир қатор алоқа бўлимлари пешлавҳасида истеъмолчи учун зарур маълумотлар акс эттирилмаган. Бундай ҳолатлар Зангиота, Янгийўл, Бекобод, Асака Чуст, Сирдарё, Мирзаобод ва Шеробод туманлари алоқа бўлимларида ҳам кузатилди. Боз устига айрим жойларда шикоят ва таклифлар китоби ташкил этилмаган.

**Қонун ва ижро**

Тизим ходимлари томонидан истеъмолчилар ҳуқуқларини тўғридан-тўғри бузиш ҳолатлари ҳам йўқ эмас. Масалан, Ғиждувон тумани Гаждумак алоқа бўлими ходими Ф. Туксанов О. Тошеванинг июль ойи нафақасидан 25 минг сўмни мажбурий тарзда газ тўлови учун олиб қолади. Ушбу масала юзасидан Ғиждувон тумани истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятига мурожаат қилган истеъмолчининг бузилган ҳуқуқи тикланди.

— Бизга фуқаролардан кўплаб мурожаатлар бўлади, — дейди А. Эргашев. — Хусусан, жорий йилнинг 9 ойида федерация ва унинг ҳудудий тузилмаларига истеъмолчилардан жами 7326 та шикоят ва ариза келиб тушди. Эътиборли томони шундаки, ушбу аризаларнинг 94,8 фоизи ижобий ҳал этилди ва натижада 1 миллиард 643, 6 миллион сўмдан ортиқ моддий ва маънавий зарар истеъмолчилар фойдасига ҳал қилинди. Бу йил бизга келиб тушган аризалар ўтган йилдагига қараганда 1723 донага кўпдир. Бу ҳолат истеъмолчилар ҳуқуқий маданиятининг тобора ошаётганидан далолатдир.

А. Эргашевнинг таъкидлашича, истеъмолчилар билан алоқаларни мустаҳкамлашда жойларда ўтказиб келинаётган "Очиқ эшиклар куни" тадбирлари муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, яқинда Кармана туманида бўлиб ўтган ана шундай тадбирда иштирок этган истеъмолчилар ўз ҳудудларида аҳолига ун, ёғ, шакар каби озиқ-овқат маҳсулотлари кечикиб келаётгани ҳамда улар нархида тафовут борлиги, савдо шохобчаларида сифатсиз, истеъмолга яроқсиз озиқ-овқат маҳсулотлари сотилаётгани, шунингдек, туманда газ, электр энергияси ва ичимлик суви таъминоти бўйича айрим камчиликларга йўл қўйилаётганлиги ҳақида ўз фикр-мулоҳазалари ва эътирозларини билдиришди. Натижа шу бўлдики, бу камчиликлар жойида ўз ечимини топди. Қолаверса, истеъмолчиларнинг туман ҳокимлиги, давлат солиқ қўмитаси, давлат санитария-эпидемиология назорат маркази, "Микрокредитбанк", Халқ банки, Савдо-саноат палатаси туман бўлимлари билан алоқаси янада мустаҳкамланишига эришилди.

— Шу ўринда аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш юзасидан ўтказилган ўрганишлар хусусида ҳам гапириб ўтиш жоиз, — дейди А. Эргашев. — Ушбу масала барча вилоятларда ўрганиб чиқилди ва жойларда муайян камчиликлар борлиги аниқланди. Жумладан, Конимех туманида фаолият юритаётган "Конимех-экспресс" МЧЖга ижара шартномалари асосида қабул қилинган ҳайдовчиларнинг йўловчи ташиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлари етарли эмас. Бундан ташқари, автоуловлар "дори қути"ларидаги аксарият дори воситалари яроқсиз ҳолатда. Бекатлардаги ўриндиқларнинг ҳолати ҳам қониқарсиз. Мавжуд жамоат транспортлари белгиланган вақт оралиғида қатнамаётгани ҳам истеъмолчилар ҳуқуқларининг бузилишига бир мисол бўла олади.

Хоразм вилоятида эса жамоат транспорти йўналишлари яхши йўлга қўйилган бўлса-да, бекатларни ташкил этиш кўнгилдагидек эмас. Яъни бекат қурилиши зарур бўлган жойларда қурилмаган, мавжудлари эса тижорат мақсадларига йўналтирилган. Масалан, Янгиариқ туманидаги 7 та йўналишдаги бекатлар тижорат ишларига мослаштирилган. Бу, табиийки, йўловчи — истеъмолчиларга муайян қийинчиликлар туғдирмоқда. Бундай камчиликлар бошқа вилоятларда ҳам аниқланди. Шулар юзасидан тегишли идораларга мурожаат қилдик. Биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз ушбу камчиликларни бартараф этиш имконини беради, албатта.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари соҳага оид қонун ҳужжатлари билан тўлиқ кафолатланган. Қолаверса, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва фаоллиги ҳам тобора ошиб бормоқда. Эндиги вазифа бу ишларни бугунги кун талаблари даражасида давом эттиришдан иборатдир. Бу борада давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, қонунлар ижросини таъминлашда биргаликда амалга оширилган саъй-ҳаракатлар фойда бериши, шубҳасиз.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

| ЎзРТХБ котировкалари сўм/кг | | | | |
|---|---|---|---|---|
| УН олий нав 849,9 ▲ +2,0 | УН биринчи нав 645,3 ▲ +1,4 | УН иккинчи нав 583,3 ▼ -0,07 | ПАХТА ЁҒИ 1932,4 ▲ +12,6 | СУЛЬФАТ АММОНИЙ 220,6 ▼-0,07 |



**_Юртимизда Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар самараси туфайли саноат тармоғи тобора ривожланиб бормоқда. Нафақат шаҳарларимиз, ҳатто энг чекка қишлоқларимизда ҳам замонавий технологиялар билан жиҳозланган, янги турдаги рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлашга ихтисослаштирилган кўплаб ишлаб чиқариш субъектлари фаолият юритаётгани бунинг яққол тасдиғидир. Уларнинг маҳсулотлари ички ва ташқи бозорда ҳам сифати, ҳам харидоргирлиги билан ажралиб туради._**

# ХОРАЗМ ГИЛАМЛАРИ

## хорижлик истеъмолчиларга ҳам манзур бўлмоқда

Бунда тадбиркорларга эмин-эркин ишлашлари учун кенг имконият ва имтиёзлар яратиб берилаётгани, ишбилармонлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани муҳим омил бўлмоқда. Шунингдек, паст рентабелли ва иқтисодий ночор корхоналарни тугатиш, уларнинг ўрнида янги қувватларни ташкил қилиш ва бу жараёнга тижорат банкларини жалб этишга қаратилган амалий ишлар ҳам корхоналарнинг барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Хива шаҳридаги "Хоразм гиламлари" масъулияти чекланган жамиятининг фаолияти бунга мисол бўла олади.

Гап шундаки, Президентимизнинг 2008 йил 18 ноябрдаги "Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони талабларидан келиб чиқиб, банкрот деб топилган "Хива Карпет" қўшма корхонаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки балансига ўтказилгач, унинг негизида "Хоразм гиламлари" масъулияти чекланган жамияти ташкил этилди. Натижада корхонада қисқа вақт ичида молиявий соғломлаштириш ишлари ниҳоясига етказилиб, 1 миллион кв. метр ҳажмда гилам ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқариш имконияти яратилди. Бу жараёнда Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки томонидан 2 миллиард 600 миллион сўм ажратилгани, ушбу маблағ ҳисобидан корхона хом ашё ва ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ёрдамчи материаллар билан таъминлангани қўл келди. Ҳозир жамиятда 670 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда.

Маълумки, хоразмликлар қадимдан гиламчилик билан шуғулланиб келишади. Воҳада қўл меҳнати билан тўқилган гиламлар чинакам санъат асари даражасига кўтарилган бўлса, эндиликда бундай маҳсулотлар энг замонавий дастгоҳлар ёрдамида катта ҳажмда ишлаб чиқарилмоқда.

Айни пайтда корхонада маҳсулот тури ва ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилаш ишларини узлуксиз давом эттириш билан бирга, тайёр маҳсулотларни мижозларга вақтида етказиб бериш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда республикамизнинг деярли барча вилоятларида 52 та савдо шохобчаси ташкил этилган бўлиб, улар орқали 7 миллиард 123 миллион сўмлиқдан кўпроқ гилам маҳсулотлари харидорларга етказиб берилди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 20 фоиз кўпдир.

**_Масалан, жорий йилнинг ўтган ўн ойида бу ерда 7 миллиард 663 миллион сўмликдан ортиқ 475 минг квадрат метрлик гилам ва гилам маҳсулотлари ҳамда 9 миллиард 196 миллион сўмликдан зиёд халқ истеъмоли моллари тайёрланди._**

Шу билан бирга, бу ерда жаҳон бозори талаблари даражасида маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун гиламларнинг янги дизайнлари яратилмоқда. Бунинг учун корхонага чет эллик мутахассислар таклиф этилган. Уларнинг ишчилар билан машғулотлар олиб бориши натижасида хорижликлар дидига мос гиламлар тайёрланишига эришилмоқда.

Бундан ташқари, корхонанинг маркетинг ва ташқи иқтисодий алоқалар бўлимида гиламчилик соҳаси бўйича жаҳоннинг етакчи давлатлари иш тажрибалари ўрганилиб, дунё бозорида гиламларга бўлган талаб ва таклиф атрофлича таҳлил этилаяпти. Мақсад — жамият маҳсулотларини ички бозордагина эмас, балки ташқи бозорда ҳам кўпроқ сотиш, экспорт салоҳиятини ошириш эди. Бунга эришилди ҳам: ҳозир гиламлар "халқаро сифат менежменти" сертификатига эга. Бу дегани — уни исталган давлатга бемалол экспорт қилиш мумкин. Шу маънода, Россиянинг Москва шаҳрида "Савдо уйи" ташкил этилгани айни муддао бўлди. Ўтган даврда корхона томонидан 271 минг АҚШ долларидан ортиқ маҳсулот экспортга чиқарилди. Демак, Хоразм гиламлари хорижликлар хонадонларини ҳам безамоқда.

Келгусида корхонада янги қувватларни ишга тушириш масаласи ҳам диққат-эътиборда турибди. Шу ниятда бўш турган бинода калава ип ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган, лойиҳа қиймати 5 миллион долларлик объектни барпо этиш чоралари кўрилмоқда. Ушбу лойиҳа амалга ошгач, бу ерда йилига 6500 тонна маҳсулот тайёрлаш имконияти вужудга келиб, 150 та иш ўрни яратилади.

— Корхонамизни модернизация қилиш жараёни ҳам изчил амалга оширилаяпти, — дейди унинг директори Эркин Отажонов. — Бугунгача 601 миллион сўмлик шундай тадбирлар бажарилди. Бу, албатта, ишлаб чиқариш ҳажмининг ортишига олиб келмоқда. Йил охирига қадар 8 миллиард 950 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаш режалаштирилган бўлса-да, мазкур кўрсаткични 10 миллиард 500 миллион сўмликка етказиш имкониятимиз бор.

Дарҳақиқат, бугунги кунда тижорат банкларини зарар кўриб ишлаётган ва иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштириш жараёнига жалб қилиш тажрибаси амалда ўзини тўла оқламоқда. "Хоразм гиламлари" масъулияти чекланган жамиятида эришилаётган ютуқлар ана шундан далолат беради.

**Ойбек РАҲИМОВ.**

# ГУНМА УНИВЕРСИТЕТИДА МАМЛАКАТИМИЗ ТАҚДИМОТИ

**_Япониянинг Гунма университетида мамлакатимизнинг мустақил тараққиёт йилларида эришган улкан муваффақиятларига бағишланган тақдимот бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикасининг Токиодаги элчихонаси кўмагида уюштирилган мазкур анжуманда университет профессор-ўқитувчилари ва талабалари, шунингдек, Гунма префектураси жамоат ташкилотларининг вакиллари қатнашди._**

Тадбир чоғида ўзбек халқи тарихи, маданияти ва анъаналари, Ўзбекистоннинг иқтисодиёт соҳасида бугунги кунга қадар қўлга киритган муваффақиятлари, юртимизнинг бой сайёҳлик салоҳияти ҳамда мамлакатимиз таълим тизими тўғрисидаги атрофлича маълумотлар тақдимот иштирокчилари эътиборига ҳавола қилинди.

**Гунма университети президенти Фуджио Хамагучи** ўз чиқишида юртимизда таълим тизимини тараққий топтириш ва мамлакатларимиз ўртасида таълим соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан Ўзбекистон ҳукумати томонидан кўрилаётган чора-тадбирларга юқори баҳо берди.

**Биз ва жаҳон**

Унинг фикрича, Кунчиқар мамлакатда яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон — Япония академик форумининг иккинчи йиғилиши ҳамда Япония ҳукуматининг "Глобал-30" дастури доирасида ташкил этилган икки мамлакат олий ўқув юртлари ректорларининг учрашуви, қолаверса, Япониянинг нуфузли олий ўқув юртларида таҳсил олаётган ўзбекистонлик талабалар сонининг ўсиб бораётгани таълим ва илмий тадқиқот фаолияти соҳаларида Ўзбекистон — Япония ҳамкорлиги тобора мустаҳкамланаётганидан далолатдир.

Ф. Хамагучи мазкур тақдимот японияликларни Ўзбекистон эришган муваффақиятлар ва унинг салоҳияти билан, бой маданияти, ЮНЕСКО томонидан муҳофаза қилинадиган Умумжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган тарихий обидаларимиз ҳамда ўзбек халқининг япон халқи турмуш тарзига муштарак бўлган анъаналари билан яқиндан таништиришга хизмат қилишини таъкидлади.

Тақдимот якунида унинг айрим иштирокчилари ўз таассуротларини ўртоқлашдилар. Хусусан, **Гунма университети доценти Эмико Окано** мазкур ўзига хос анжуман университет талабаларига ўзбек халқининг бой тарихий-маданий мероси ва анъаналари билан янада яқинроқ танишиши учун қулай имконият яратганини айтиб ўтди. "Ўзбекистоннинг Самарқанд ва Бухоро каби диққатга сазовор тарихий шаҳарлари тўғрисидаги маълумотлар нафақат менда, балки тадбирда тўпланган бошқа кўплаб талабаларда ҳам катта қизиқиш уйғотди", деди у, жумладан.

**Гунма университетининг халқаро муносабатлар факультети декани Нобуо Катагири** ушбу фойдали тадбирнинг ташкил этилганидан ниҳоятда мамнунлигини билдириб, тақдимот сўнгида талабаларда Ўзбекистоннинг сайёҳлик марказлари, ўзбек халқининг бой маданияти ва анъаналари тўғрисида аниқ-равшан тасаввур пайдо бўлганини айтди. Унинг қайд этишича, "Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарлари бутун дунё сайёҳларини ўзига жалб қилиб келаётгани бежиз эмас. Зотан, Ўзбекистон том маънодаги Шарқ ганжинасидир".

**«Жаҳон» АА.**

● Реклама ва эълонлар ●

# ДИҚҚАТ, «ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ»!

**_Ҳурматли юртдошлар! Маълумки, қиш фаслида фуқароларнинг иситиш мосламаларига бўлган эҳтиёжи бирмунча ортади. Бу эса ёнғин келиб чиқиш хавфининг ошишига ҳам сабаб бўлади._**

Бундай салбий ҳолатнинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 ноябрдаги 309-сонли қарорига асосан, республикамизда жорий йилнинг 25 ноябридан 25 декабригача "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги" ўтказилади. Қарорда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини, шунингдек, уй-жой фондини ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқ ҳолга келтириш; ўта муҳим давлат аҳамиятига молик ёки ёнғин ва портлаш хавфи юқори бўлган объектларда ёнғин хавфсизлигини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш ушбу ойликнинг асосий вазифалари этиб белгиланган.

Азиз ватандошлар! Ойлик бошланганлигини маълум қилиб, таъкидламоқчимизки, бу даврда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя этиб, сиз нафақат "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги"нинг фаол иштирокчисига айланасиз, балки бу билан давлат ва ўз шахсий мулкингизни ёнғиндан асраган, шунингдек, яқинларингиз ҳамда фарзандларингиз хавфсизлигини таъминлаган бўласиз.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Ички ишлар вазирлиги**
**Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси.**


Ҳурматли юртдошлар!

«АСАКА» банки (ОАЖ)

сизларни яқинлашиб келаётган

Конституция куни

билан қутлайди ва миллий валютадаги янги муддатли омонат турини таклиф этади.

«ҚОМУС»

Сақланиш муддати — 10 ой. Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат ёпилгандан сўнг (10 ой) берилади.

«АСАКА» БАНКИ (ОАЖ) САРМОЯНГИЗНИНГ САҚЛАНИШИ ВА КЎПАЙИШИНИ КАФОЛАТЛАЙДИ.

Ушбу омонат турини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1. | Тошкент шаҳри филиали | (371) | 120-83-13 |
| 2. | «Автотранспорт» филиали | (371) | 120-39-95 |
| 3. | Шайхонтоҳур филиали | (371) | 140-39-36 |
| 4. | Юнусобод филиали | (371) | 225-16-46 |
| 5. | Сергели филиали | (371) | 258-67-49 |
| 6. | Тошкент вилояти филиали | (371) | 120-84-13 |
| 7. | Андижон вилояти филиали | (374) | 224-40-96 |
| 8. | Асака филиали | (374) | 233-13-69 |
| 9. | «Фарҳод» филиали | (374) | 226-97-53 |
| 10. | Фарғона вилояти филиали | (373) | 224-70-83 |
| 11. | Марғилон филиали | (373) | 237-12-37 |
| 12. | Олтиариқ филиали | (373) | 432-10-11 |
| 13. | Қўқон филиали | (373) | 552-61-04 |
| 14. | Наманган вилояти филиали | (369) | 226-94-75 |
| 15. | Навоий вилояти филиали | (436) | 223-54-32 |
| 16. | Зарафшон филиали | (436) | 573-18-78 |
| 17. | Бухоро вилояти филиали | (365) | 223-71-94 |
| 18. | Бухоро шаҳри филиали | (365) | 770-11-27 |
| 19. | Самарқанд вилояти филиали | (366) | 231-08-86 |
| 20. | «Афросиёб» филиали | (366) | 221-77-56 |
| 21. | Қашқадарё вилояти филиали | (375) | 221-12-93 |
| 22. | Сурхондарё вилояти филиали | (376) | 770-82-12 |
| 23. | Қорақалпоғистон филиали | (361) | 770-60-59 |
| 24. | Хоразм вилояти филиали | (362) | 226-97-78 |
| 25. | Сирдарё вилояти филиали | (367) | 225-44-03 |
| 26. | Жиззах вилояти филиали | (372) | 226-43-11 |

Хизматлар лицензияланган.

БАРЧА ОМОНАТЛАР ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ.

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
- маълумотларнинг сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- эгалик қилиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- миқдори чекланмаган.

1578R/10



«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

«Capital Realtor Group» МЧЖ томонидан 2011 йил 28 декабрь ва 2012 йил 16 январь кунлари соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулк объектлари қўйилади:

**Зангиота тумани суд ижрочилари бўлими томонидан савдога қўйилган:**

**1.** Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти Зангиота туманлараро судининг 2010 йил 14 сентябрдаги 1-17050/2010-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Масалбой» ҚФЙ, Зуҳриддин (аввалги Санатория кўчаси) 2-берк кўчаси, 4-уйда жойлашган, умумий майдони 168,36 кв.м. бўлган уй-жой.

**_Бошланғич нархи — 49 000 000 сўм._**

**2.** Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти Зангиота туманлараро судининг 2010 йил 14 сентябрдаги 1-17050/2010-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Масалбой» ҚФЙ, Ёшлик кўчаси, 64-уйда жойлашган, умумий майдони 96,2 кв.м. бўлган уй-жой.

**_Бошланғич нархи — 80 000 000 сўм._**

Ушбу кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк»и Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент ш., Қушбеги к., 18-уй. Телефон: (8-371) 250-19-24.**

1590R/1192

_Лицензия RR-0017._



«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

**Такрорий аукцион савдосига Ҳамза тумани СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:**

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 2 июндаги 1110/7695-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Фарғона йўли кўчаси, 13/22-уйда жойлашган, «Lok Kolor Sintez» МЧЖ ҚКга тегишли бўлган блок-5 ёрдамчи ишлаб чиқариш корпуси ва қозонхона, жами майдони 6720,0 кв.м., блок-7 маъмурий бино, жами майдони 2629,0 кв.м., блок-20 бош ишлаб чиқариш корпуси, жами майдони 6259,0 кв.м.дан иборат бўлган кўчмас мулк объектлари қўйилмоқда.

**_Бошланғич баҳоси — 2 500 000 000 сўм._**

**_Аукцион савдоси 2011 йил 12 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади._**

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг «Ипак йўли» банки ОАИТБ «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

**Манзил: Тошкент ш., Олмазор тумани, 1-Қорақамиш к., 1-«А» уй. Тел.: (8-371) 228-79-52.**

1584R/773

_Лицензия: RR-0001._



«RIELTOR EKSPRESS KONSALTING» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган такрорий очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Суд ижрочиларининг Андижон шаҳар бўлими томонидан жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар судининг 2010 йил 24 декабрдаги 1-1129-сонли ижро варақасига асосан хатланган, фуқаро Маъмуров Боҳодиржонга тегишли, Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Саноат кўчаси, 280-уйда жойлашган, ер участкаси 13478,15 кв.м., қурилиш майдони 5616,1 кв.м. бўлган омборхона бино-иншоотлари бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қўйилмоқда.

**_Бошланғич баҳоси — 655 287 000 (олти юз эллик беш миллион икки юз саксон етти минг) сўм._**

Қизиқиш билдирган талабгорлар бино-иншоот (кўчмас мулк)лар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоси Андижон шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 30-уйда 2011 йил 13 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аукцион якунлари савдо тугаган заҳоти савдо иштирокчиларига эълон қилинади.

Талабгорларнинг аризалари Андижон шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 30-уйда иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчиси — «RIELTOR EKSPRESS KONSALTING» МЧЖнинг «Трастбанк» Андижон шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000704927796001, МФО: 01074, СТИР: 302067760.

**Манзил: Андижон шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 30-уй.**
**_Мўлжал — Давлат мулки қўмитаси Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси биноси, 1-қават._**
**Телефонлар: (8-374) 990-00-82, 262-13-75.**

1585R/1201

_Лицензия RR-0026._



"ГАЗ" русумли автомобиллар ва махсус техникалар

Тел.: 235 93 53
111 35 24, 102 96 00
E-mail: transneft66@mail.ru
web: gazel-tnk.uz

Ҳамма автотранспорт воситаларига КАФОЛАТ 2 йил ёки 80.000 км

ООО "Коммерческие автомобили - Группа ГАЗ" расмий дилери "Transneftkomplekt" ташкилоти



Улгуржи харидларга ЧЕГИРМАЛАР!
Буюртма асосида

1259H/833


Тошкент педиатрия тиббиёт институти жамоаси Эпидемиология, юқумли касалликлар ва фтизиатрия кафедрасининг профессори Абдувоҳид Содиқовга фарзанди

**Нафисахон ХОДЖАЕВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва Бирлашган касаба уюшма қўмитаси Логистика ва инфратузилмани ривожлантириш кафедраси доценти Акмал Алиевга акаси

**Мирвали ИСХОКОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ОМИХТА ЕМ 347,6 ▲ +0,04 | ШРОТ 307,4 ▼ -6,2 | ШЕЛУХА 128,3 ▼ -1,9 | ПОЛИЭТИЛЕН B-Y 460 3749,4 ▼ -805,6 | ПОЛИЭТИЛЕН I-0760 4189,1 ▼ -429,5 | ПОЛИЭТИЛЕН I-1561 4507,7 ▼ -404,5 | МАЗУТ 351,6 ▲ +10,5 | СУЮЛТ. ГАЗ 1887,6 ▼ -719,8 | КЎМИР(бпк) 40,3 ▲ +1,0

ЖАРАЁН

**Сайёрамизда ҳаёт бардавомлиги, аҳоли турмуш фаровонлиги табиат мусаффолигига ҳам боғлиқ. Шу боис азал-азалдан ер, сув ва ҳавони ифлослантирмаслик олий қадрият даражасига кўтарилган. Бироқ табиат неъматлари меъёридан кўп тасарруф қилиниши, саноат корхоналари томонидан атмосферага зарарли моддаларнинг чиқарилиши табиий мувозанатнинг бузилишига олиб келди. Оқибатда экологик муаммолар умумбашарий тус олди.**

# АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШГА ҲАР БИРИМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ атроф-муҳит мусаффолигини таъминлаш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асраб-авайлашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу, энг аввало, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳам ўз ифодасини топган.

Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси — миллий бойлигимизнинг бир бўлаги, таъбир жоиз бўлса, аждодларимиз томонидан қолдирилган улкан меросдир. Асрлар оша етиб келаётган табиат неъматларини, ўз навбатида, келажак авлодга бус-бутун ҳолича етказиш эса бизнинг муқаддас бурчимиз саналади. Бу ҳар биримизни атроф-муҳитга оқилона муносабатда бўлишга ундайди.

Ўзбекистон флора ва фаунаси ниҳоятда ранг-баранг. Юртимизда 4,5 мингга яқин ёввойи ўсимлик, 2 мингдан зиёд замбуруғ турлари, шунингдек, умуртқали ҳайвонларнинг 677, умуртқасизларнинг эса 15 мингдан ортиғи мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти фақат бизнинг ўлкамизда учраши бунинг яққол далилидир. Аммо бу — табиат мулкини хоҳлаганча ўзлаштириш мумкин, дегани эмас. Негаки, табиатда ҳар бир тур тарихан такрорланмас, генетик жиҳатдан ягона ҳисобланади. Йўқолган турларни қайта тиклашнинг эса сира ҳам иложи йўқ. Шунга қарамай, инсон омили таъсирида сайёрамизда ўсимликларнинг қарийб 60 мингта, ҳайвонларнинг эса 7 мингдан ошиқ тури бутунлай йўқолиб кетиш хавфи остида эканлиги ачинарлидир. Шу каби ҳолатлар инобатга олиниб, БМТ томонидан "2010 — 2020 йиллар — Халқаро биохилмахилликни сақлаш ўн йиллиги" деб эълон қилинди.

Мамлакатимизда, энг аввало, миллий қонунчилик базасини мустаҳкамлаш мақсадида, хусусан, табиатни муҳофаза қилишга доир қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилингани, уларнинг ижроси юзасидан қатъий назорат ўрнатилгани туфайли кейинги пайтларда тизимда муайян ютуқлар қўлга киритилди. Энг асосийси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси табиий кўпаядиган жойларни сақлаб қолиш, қўриқхоналар майдонларини кенгайтиришга эришилмоқда. Айтайлик, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 августдаги 243-сонли қарорига мувофиқ, Бадай-тўқай давлат қўриқхонаси негизида Қуйи Амударё давлат биосфера резервати ташкил этилди.

Умуман олганда, айни пайтда 8 та давлат қўриқхонаси, 2 та миллий боғ, 3 та экомарказ, 10 та давлат буюртмахонаси, 5 та табиат ёдгорлиги ҳудудлари фаолият кўрсатаётган бўлиб, уларнинг умумий майдони 23 минг 442,4 квадрат километрни ташкил этади. Бу жойларда миллий ҳамда халқаро "Қизил китоб"га киритилган, йўқолиш эҳтимоли бор наботот ва ҳайвонот турлари давлат муҳофазасига олинган.

Бундай кенг кўламли саъй-ҳаракатлар натижасида ўта камёб бўлиб қолган қор қоплони, айиқ, силовсиннинг бош сонлари барқарорлашди. Шунингдек, "Қизил китоб"га киритилган жайрон, қулон, Пржеваль отлари, Бухоро қўйлари кўпайтирилди. Ўсимликлар бўйича ҳам ана шундай ижобий мисолларни келтириш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан хўжалик юритувчи субъектларни текшириш режа-жадвалига мувофиқ, мунтазам назорат олиб борилаётгани бу борадаги ишлар самарадорлигини янада оширмоқда. Масалан, 2011 йилнинг 9 ойи мобайнида 767 та объект фаолияти текширилиб, атроф-муҳитни асбоб-ускуналар ёрдамида ифлослантирувчи 268,7 мингдан зиёд манбаларда таҳлилий ўлчовлар ўтказилди. Бунинг натижасида ифлослантирувчи моддаларни белгиланган меъёрларга нисбатан кўп чиқарган ва оқизган 21487 та манба аниқланди. Бунга йўл қўйган 15,8 мингга яқин мансабдор шахс ва фуқаролар маъмурий жавобгарликка тортилди, табиатга етказилган зарарни қоплаш бўйича 1 миллиард 143,4 миллион сўм миқдорида жарима ундирилди.

Шу билан бирга, табиат муҳофазасига доир қонунбузарликларнинг олдини олиш мақсадида 44 минг 420 та хўжалик юритувчи субъектда тарғибот ишлари олиб борилди. Шундан 33 минг 773 таси фермер хўжаликлари бўлиб, уларга экиндан бўшаган майдонлар ва сомон қолдиқлари ёқилишининг салбий оқибатлари атрофлича тушунтирилди. Бундан ташқари, 176 та семинар ўтказилиб, уларга 11 минг 795 нафар тадбиркор ва фуқаро жалб этилди.

Бу ишлар ўз самарасини бераяпти, албатта. Айни пайтда ҳавога зарарли ташламаларнинг чиқарилиши кескин камайгани, наботот ва ҳайвонот оламининг умумий ҳолати яхшилангани бунинг тасдиғидир. Аммо бу хотиржамликка асос бўла олмайди. Негаки, эртанги кунимизнинг қандай кечиши яна ва яна табиат билан чамбарчас боғлиқ. Шундай экан, унинг муҳофазасига ҳар биримиз масъул эканлигимизни унутмайлик.

**Ўлмас СОБИРОВ,**
**Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Давлат бионазорати бош мутахассиси.**

# АНЖАБОР



**Юртимиз ҳудуди шифобахш гиёҳларга ниҳоятда бой. Хусусан, Қашқадарё воҳасида ёввойи ҳолда ўсадиган ўсимликларнинг мингдан зиёд тури мавжуд бўлиб, 200 дан ортиғининг дориворлик хусусияти аниқланган, 50 дан кўпи эса тиббиётда ишлатилади.**

Наботот

Анжабор — шулардан бири. У кўп йиллик ўтсимон ўсимлик бўлиб, бўйи 65 сантиметргача боради. Вилоятнинг Яккабоғ, Шаҳрисабз, Китоб, Қамаши ва Деҳқонобод туманларидаги тоғолди ҳудудларида тошлоқ ўтлоқларда, дарё ўзанларида ўсади.

Анжабор июнь-июль ойларида гуллаб, мева тугади. Табобатда унинг илдизпояси ишлатилади. Чунки ўсимлик илдизида 12,7 фоизгача ошловчи, 28,4-32,2 фоиз экстрактив моддалар ва оксиметилантрохинонлар бор. Халқ табобатида ундан тайёрланган препаратлар сийдик йўллари ва ўтдаги тошни туширишда, энтерит, колит, стоматит, фурункулёзда, шунингдек, турли ички органлардан қон кетганда қўлланилади.

Замонавий табобатда унинг экстракти бир қанча турдаги бактерияларга, жумладан, сил таёқчасига қарши сезиларли таъсир кўрсатиши аниқланган.

*Ҳаким Давоий ал-Ғилонийнинг "Фавоййдул инсон" асарида келтирилишича, анжабор ички яралар, хусусан, ўпка ва ичакдаги яраларни тезда битказади, қон кетиш, қон туфлашни тўхтатади.*

Бу доривор ўсимликдан уй шароитида ҳам малҳам тайёрлаш мумкин. Бунинг учун унинг илдизпояси майда қирғичдан ўтказилади. Сўнгра 15 грамми 0,5 литр сувда 1 соат қайнатилади. Малҳам сузиб олиниб, чипқон ва яраларга, кўпдан бери битмай келаётган жароҳатларга суртилади.

Бугунги кунда анжабор ўтидан тайёрланган дамлама ва суюқ экстракт илмий табобатда буриштирувчи ва қон оқишини тўхтатувчи восита тариқасида ишлатилади. Улардан турли гастритлар, меъда ва ўн икки бармоқли ичак яра касаллиги, стоматит, гингивитни даволашда фойдаланилади.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ.**



*«Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар».*

(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50-моддаси).



# ОНАЖОНИМ — ТАБИАТ



**Узун туманидаги Жончекка қишлоғида яшовчи Ўрол Кокилов узоқ йиллар ёшларга биология фанидан сабоқ берди. У мактабда ишлаб юрган кезларида ҳам боғдорчиликка бўлган қизиқишини бир четга суриб қўймади. Ўзи ишлаган мактаб ҳовлисига мевали ва манзарали дарахтлар экиш, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларига бош-қош бўлди. Шу туфайли маҳалладошлари уни "Ўрол боғбон" деб чақиришади.**



# ЎРОЛ БОҒБОННИНГ ПИСТАЗОРЛАРИ

Ўрол ака ҳозир пенсияда. Бироқ иштиёқ, қизиқиш уни ўзи барпо этган Боботоғ бағридаги пистазорга етаклайди.

— Бекорчиликни ёқтирмайман, — дейди Ўрол ака. — Мана шу пистазорни барпо этиш учун фарзандларим билан астойдил меҳнат қилдик. Писта деганлари сал инжиқ — ўн йил деганда ҳосилга киради. Саъй-ҳаракатларимиз бугун ўз самарасини берди. Шу йили кузда илк ҳосилини тердик.

Ибрат

Ўрол муаллим билан суҳбатлашсангиз, ўсимлик дунёси, ҳар бир гиёҳу дарахт хосияти, хусусияти ҳақида завқ-шавқ билан гапиради.

— Биласизми, — дейди Ўрол муаллим, — писта дарахти жуда нозик бўлади. Уни ўстириб олиш машаққатли юмуш. Агар тутиб кетса, нақд икки юз йил умр кўради.

Маълумки, писта уруғидан унадиган дарахт. Ўрол ака фарзандлари кўмагида унинг кўчатларини дастлаб елим идишларда ўстирди. Қурғоқчилик келган баъзи йиллари улар кўчатларни идишларда сув ташиб суғоришди.

— Кези келганда хайрли ишларни қилишга одамда хоҳиш топиладию имконият топилмай қолади, — дея суҳбатни давом эттиради Ўрол ака. — Яқинда туманимизда банклар кўмагида интенсив боғлар яратилаётганини эшитиб, хурсанд бўлиб кетдим. Ишлайман, боғ яратаман деган тадбиркорга барча имконият муҳайё. Жумладан, банклар томонидан имтиёзли кредитлар ажратилаяпти. Солиқ тўловларида ҳам енгилликлар бор. Қани эди, бундай имкониятлардан самарали фойдаланиб, тоғ ёнбағирларида бекор ётган минглаб гектар ерларни ўзлаштириб, боғ-роғга айлантирсак. Шунда мева-чева янада мўл бўларди. Бозорлар янада ободлашиб, нарх-наво бунданда арзонлашарди.

Ўрол Кокилов ҳозир пистазордан ташқари фармацевтика саноати учун зарур бўлган доривор ўсимлик — ковраказорлар яратишга бош-қош бўлмоқда. У раҳбарлик қилаётган "Ўрол Кокилзода" фермер хўжалиги аъзолари коврак уруғини елим идишларда ундириб, қаровсиз ётган қир-адирларга экиб чиқишди.

— Олти йилда ковракнинг ширасидан тиббиёт учун зарур дори-дармон олинади, — дейди Ўрол ака. — Келгусида гектарлаб майдонларда ковраказорлар барпо қиламиз. Фармацевтикамизга зарур ашёни она-еримиз бағридан олишга нима етсин?! Табиий дармоннинг хислати ҳам беҳисоб.

**Боботоғдан қайтар эканмиз, ҳамкасбимиз Набижон ака Раҳматов Ўрол Кокилов Узун туманининг Томчи қишлоғидаги мактабда ишлаган даврида яратган жийдазорни, 23-мактабдаги фаолияти даврида эккан чинор ва арчаларни, 21-мактаб ҳовлисидаги мевазорни кўрсатди.**

Ахир инсон азиз саналган шу улуғ юртимизда боғ яратиш ҳам ҳикмат, ҳам савоб. Демак, Ўрол Кокиловнинг умри беҳуда ўтмаяпти. Ундан ибрат олса, ҳавас қилса арзийдиган хислатлар бисёр. Айтадилар-ку, яхшидан боғ қолади...

**Нормурод ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

АЖАБО!

**Поплик меҳнат фахрийси Жўрахон Умрзоқов бундан бир неча йил аввал кўҳна буғдой бошоғини топиб олган эди. Уни яхши ният билан эккандан кейин уруғ нафақат униб чиқди, балки анчагина ҳосил ҳам берди.**

# Буғдой ёши нечада?

Топилма Жўрахон отанинг бобоси томонидан ўтган асрнинг йигирманчи йилларида қурилган уйнинг пойдевори орасида, тамаки суви шимдирилган идишларда қоғозга ўралган ҳолда сақланиб қолган экан. Қизиқиш билан буғдой уруғининг бир қисмини томорқасида парваришлаб кўриб, ҳайратга тушди. Ҳар бошоқда 242 тагача дон бор. Кейинги йили кўҳна доннинг 6 килограммини марғизорлик уста деҳқон Х. Файзиевга илинди. Ундан 14 қоп ҳосил кўтарилди.

— Икки йил бурун ушбу уруғни тажриба сифатида экиб кўрдим, — дейди чустлик ғаллакор Эркинжон Мадалиев. — Ҳосилдорлиги 70 центнерга етди. Навнинг муҳим хусусияти шундаки, уни кузда ҳам, баҳорда ҳам экса бўлади. Маромига етказиб парваришланса, гектаридан 100 центнердан ошириб хирмон кўтариш мумкин.

Тез орада кўҳна дон уруғи қўшни туманлар, ҳатто Тошкент, Хоразм, Навоий вилоятларига ҳам етиб бориб, парваришлаб кўрилди. Мутахассислар лаборатория текшируви ўтказиб, унинг ёпишқоқлик даражаси 34, шаффофлиги 50 фоизни ташкил этишини аниқлашди. Олимлар эса юқори сифатли, оқсил моддасига бой эканлигини таъкидлаб, республиканинг суғориладиган ерларида экишни тавсия қилишди.

Чустлик фермер Сойибжон Жўраев топилма навнинг хусусиятини деҳқончасига шундай изоҳлайди: бошоғи бақувват, донадор, йирик, 150-180 тагача дони бор. 20-25 тагача туплайди.

Попда топилган буғдой бошоқлари довруғи шу тариқа чор тарафга ёйилди ва кўпчилик ғаллакорлар уни экиш истагини билдиришди. Қисқасини айтганда, Жўрахон отанинг бобосидан қолган "мерос" салкам юз йилдан сўнг яна кўпайиб, авлодларга ризқ улаша бошлади.

**Ортиқали АЛИБОЕВ.**
Наманган вилояти

# Қорақулоқ

«Қизил китоб» саҳифаларидан

**Қорақулоқ ҳақида нималарни биласиз? Афсуски, аксариятимиз бу жонивор ҳақида жуда кам маълумотга эгамиз. Сабаби, ушбу кенжа тур жуда камёб бўлиб, айни пайтда бутунлай йўқолиб кетиш хавфи остида турибди.**

Мамлакатимизда у Устюрт ясси текисликлари, Амударёнинг қуйи қисми ва Қизилқум кенгликларида учрайди. Асосан, чўл ҳудудларида, яъни барханли, қумлоқ ва гипслашган текисликлар, жарликлар, шунингдек, тўқайзорларда яшайди. Қорақулоқ тунда ов қилади. Қуён, тулки, типратикан, илон, кемирувчилар ва бўғимоёқлилар билан озиқланади. Баъзида туёқлиларга ҳам ҳамла қилади.

Бу йиртқич ҳайвон 18 йилгача умр кўради. Апрель-май ойларида 2-4 тагача болалайди. Болаларини орадан икки ой ўтгачгина ташқарига олиб чиқади. Шундай бўлса-да, улар тобора камайиб бораяпти. Манбаларда қайд этилишича, 1954 — 1980 йиллар давомида қорақулоқларнинг 22 таси қайд этилган, холос. 2009 йилда ўтказилган тадқиқотлар жараёнида Ғарбий Қизилқумда 3 та, Устюртда битта қорақулоққа дуч келинган. Мутахассисларнинг тахминларига кўра, ҳозирги кунда уларнинг бир неча ўнтаси мавжуд.

Хўш, нега мазкур тур йўқолиб бормоқда?

Ўтган асрда қўриқ ерларнинг ҳаддан зиёд кўп ўзлаштирилгани, қиш мавсумида озуқа тақчиллиги, йирик йиртқичлар ва браконьерларнинг таъқиби каби омиллар қорақулоқларнинг камайиб кетишига сабаб бўлмоқда. Бугунги кунда бу жонивор дунёнинг кўплаб давлатларида кўпайтирилмоқда.

Юртимизда мазкур тур алоҳида муҳофаза остига олинган бўлиб, уни овлаш тақиқланган. Ўзбекистон Республикаси "Қизил китоби"га киритилган.

***АҚШдаги Миссурий университетининг бир гуруҳ олимлари Шарқ қизил кедр дарахтининг игнабарглари таркибида кучли антибиотик борлигини аниқлашди.***

## Антибиотиклар хазинаси

Мазкур модда асосида ҳозир кенг таъсир кўрсатувчи дори ишлаб чиқарилиб, 17 хил биологик фаол бирикмалар ажратиб олинмоқда.

Улар тиббиётда маълум бўлган барча микробларга, шу жумладан, доривор препаратлар таъсирида мутантланувчи стафилококкларни ҳам қириш хусусиятига эгалиги билан аҳамиятлидир. Шунингдек, бу антибиотиклар саратон касаллигини даволашда ижобий натижа беради, нохуш ҳуснбузар дардидан холи этади.

## Ер остида гуллайди

**Табиатшунос олим Н. Троицкий Грузияда илмий тадқиқот олиб бораётган чоғида Калхида депарасида ажабтовур наботот намунасини аниқлашга муяссар бўлган. У чучмомадошлар оиласига мансуб Штернбергия калхицифлорасидир.**

Мазкур ўсимлик авжи баҳорда бир неча барг чиқариб қовжирайди. Сентябрь ойида тупроқ остидаги пиёзбоши ичида гуллаб, ўзидан чангланади. Сўнгра ер юзига меваларини сочиб, насл қолдиришга ошиқади.




## Башоратчи ўсимлик

***Ҳиндистоннинг сув ҳавзалари бўйида ўсадиган Канна индика ўсимлигига қараб, об-ҳаво қандай бўлишини билиш мумкин.***

*Агар эрталаб унинг баргларида кўзёши каби томчилар пайдо бўлса, маҳаллий аҳоли эртага содир бўладиган жаладан огоҳ бўладилар.*

## Сув йўлини топади

**Ковул ўсимлиги жой танламай, ер бағирлаб ўсади. Бунинг сабаби, унинг илдизи 18 метргача боради.**

Қизиғи шундаки, ковулнинг илдизлари заранг ерларда, пахса ва ҳатто пишиқ ғиштли деворлар ичидан йўл топиб, намликка интилади.

**Маннон НАБИЕВ тўплади.**

Баҳодирнинг диққатини какликнинг хавотирли овози ўзига тортди. Бўйнига осиғлик дурбинидан атрофни кузатди. Иккита каклик чуғурлаб полапонларини илондан ҳимоя қилаётган экан. Уясига рақибини йўлатишмаяпти.

## Каклклар ва кобра тўқнашуви

Илон вишиллаганча бошини баланд кўтариб, яқинроқ турган какликка ҳамла қилади. Каклик сакраб, ўзини орқага олади. Биттаси тез-тез чуғурлаб шеригини ҳужум бўлишидан огоҳлантиради.

Ҳайрат

Талвасали овозни эшитган бошқа какликлар қанотларини ёймасдан, бўйинларини чўзганча йўрғалаб келишарди. Кўп ўтмай, каклилар ўн-ўн иккитага етиб, улар доира қуриб олишди. Ўртада илон бошини гоҳ кўтариб, гоҳ тушириб турибди. Думи чап-ўнг томонларга шалоплаб урилади. Каклклар чуғурлайди, парлари тўзиб, бўйинлари чўзилиб, жаҳд билан илонга ёпирилади. "Жанг" кескин бўлиши аниқ эди. Каклклар тўрт томондан "какир"лашиб, илоннинг бошини гангитди, бир қарич ҳам силжишга қўймади. Катта каклик илоннинг боши томонга яқинлашиб, бир сакради-да, унинг кўзини чўқиб олди. Илон бошини баланд кўтармоқчи бўлди. Лекин нариги томондаги каклик унинг иккинчи кўзини чўқиди. Шунда бошқа какликлар ҳам "ҳужум"га ўтди. Бир оз ўтиб, жон талвасасига тушган илон қимирламай қолди.

Каклклар ўз оиласини ёвуз кучдан ҳимоя қилганларидан мамнундек, ўз "тил"ларида тинмай чуғурлашарди...

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ.**

ЦЕМЕНТ (пц400 д20) 174,8 ▼ -1,8 | ЦЕМЕНТ (пц400 кд20) 156,0 ▼ -0,4 | АРМАТУРА 3632,4 ▲ +33,6 | ШИФЕР (1 лист) 15088 ▼ -97 | АЗОТ. ФОСФОР ЎҒИТИ 370,1 ▲ +0,5 | Биржа баҳолари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, UZEX сўзини 8383 га юборинг.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1154. 48826 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — М. Охунова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машрабоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.35 Топширилди — 22.55 1 2 3 4 5